



BOSHQARUV QARORI

20 20 y. « 19 » may 2016

№ 172

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Ахборот сиёсати янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида

Банкнинг амалдаги ахборот сиёсати Банк Кенгашининг 2016 йил 27 июндаги 34/2016-сонли қарори билан тасдиқланган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида иш юритадиган, молиявий жихатдан барқарор ва рақобатбардош муассасага айлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган Йўл харитасининг 34-бандида Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишида Банкнинг Ахборот сиёсати янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифани амалга ошириш мақсадида Ахборот хизмати ва Халқаро молия корпорация (IFC) маслаҳатчи-экспертлари билан биргаликда Банкнинг Ахборот сиёсатининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига асосан Банкнинг сиёсатларини тасдиқлаш Банк Кенгаши ваколатига киритилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Ахборот сиёсати янги таҳрири иловага мувофиқ маъқуллансин ҳамда тасдиқлаш учун Банк Кенгаши муҳокамасига киритилсин.

2. Ахборот хизмати раҳбари (Б.Бозоров) зиммасига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ахборот сиёсати лойиҳаси Банк Кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин Банкнинг тегишли таркибий

бўлинмаларига ва филиалларига етказиш ҳамда мазмун-моҳиятини тушунтириш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раиси ўринбосари А.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

С.Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

А.Акбаржонов

Бошқарув Раиси
ўринбосари

А.Эргашев

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Я.Абдуроззоков

Бошқарув Раиси
ўринбосари

З.Азимов

Бошқарув Раиси
ўринбосари

У.Таваккалов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори

О.Воҳидов

Юридик департамент
директори

Б.Норхужаев

Кирилди:

Ахборот хизмати раҳбари

Б.Бозоров



Методология бошқармасида
2020 йил 23 июль да
сон билан

РУЙХАТГА ОЛИНГАН

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Кенгашининг

2020 йил 23 июль даги

сонли қарорига

ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ахборот сиёсати

(янги тахрирда)

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Ахборот сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”, “Тижорат сири тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунлари, Корпоратив бошқарув Кодекси, “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил, 2 июль), “Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида” (рўйхат рақами: 176, 2014 йил, 2 июль), “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ҳисобини юритиш Тартиби (рўйхат рақами: 408, 2020 йил 22 июнь) тўғрисидаги низомлар ва бошқа ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Сиёсат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда - Банк)нинг Банк томонидан ўзи ва ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тартибини, шу жумладан, Банк томонидан маълумотни ошкор қилиш мақсади ва тамойилларини белгилайди, ошкор этиладиган маълумотлар рўйхатини ҳамда Банкнинг ахборот сиёсати устидан назоратни таъминлаш чораларини ўрнатади.

Мазкур Сиёсат мақсадлари учун Банк маълумотни ошкор этишда риоя этадиган тамойиллар ва тартиб-таомиллар йиғиндиси тушунилади.

II. Асосий тушунчалар

Банк сири – Банк сири деганда, банк томонидан ҳимоя қилинадиган қуйидаги маълумотлар тушунилади:

ўз мижозлари (корреспондентлари)нинг амалиётлари, ҳисоб рақамлари ва омонатлари ҳақида;

банк томонидан ўз мижози (корреспонденти)га банк хизматлари кўрсатилиши муносабати билан олинган маълумотлар ҳақида;

банк сейфлари ва хоналарида сақланаётган мижоз (корреспондент) мулкнинг мавжудлиги, характери ва нархи ҳақида;

мижоз (корреспондент) топшириғига кўра ёки унинг фойдасига амалга оширилган банклараро амалиётлар ва битимлар ҳақида;

банк сири бўлган маълумотларнинг банклар ўртасидаги айланмаси натижасида маълум бўлган бошқа банк мижози (корреспонденти) ҳақидаги маълумотлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари, пенсия бадаллари суммаларининг миқдори ва ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларидаги жамғарилган пенсия миқдорлари ҳақидаги маълумотлар.

Тижорат сири –учинчи шахсларга маълум эмаслиги, ундан эркин фойдаланиш имконияти йўқлиги ва ушбу маълумот эгаси томонидан унинг махфийлигини ҳимоя қилиш учун чоралар кўрилганлиги сабабли илмий-техникавий, технологик, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тижорат қийматга эга бўлган маълумотлар.

Тижорат сири қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли унинг эгаси учун ҳақиқий ёки салоҳиятли тижорат қийматига эга бўлиши;

қонунчиликка мувофиқ барча учун маълум ёки оммабоп бўлмаслиги;

унинг махфийлигини ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланган бўлиши;

давлат сири ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг белгиларига эга бўлмаслиги.

Махфий маълумотлар – фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган маълумотлар. Махфий маълумотлар қаторига қуйидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни амалга ошириш тартиби ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мавқеини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, аҳоли, аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникациялар хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;

Махфий маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган.

Маълумотларни ошкор этиш – манфаатдор шахсларга маълумотларни олиш мақсадларидан қатъий назар уларни топиш ва олишни кафолатловчи шаклларда олиш имконини таъминлаш.

“IR” маълумот – бу барча учун оммабоп бўлмаган ва Банк кредит сифатини баҳолашга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солиш доирасидан четда бўлган қисмида унинг қимматли қоғозлари нархига таъсир қилиши мумкин бўлган ва хабардор қилинган инвестициявий ечимларни қабул қилиш учун муҳим аҳамият

касб этган маълумотлар.

Молиявий ҳамжамият – бу Банкнинг қарздорлик инструментлари (облигациялар, еврооблигациялар, акциялар, Банк томонидан чиқарилган бошқа ҳар қандай инструментлар)га оид жорий ва салоҳиятли инвесторлар:

институционал инвесторлар – қимматли қоғозларга инвестиция киритадиган банклар, жамғармалар, халқаро ва умуммиллий ривожланиш институтлари, бошқарувчи компаниялар, инвестицион компаниялар, хусусий инвесторлар;

молиявий институтлар – Банк кредиторлари;

пул, валюта, муддатли бозорларда контрагентлар;

РЕПО операциялари бўйича контрагентлар;

рейтинг агентликлари;

молиявий ахборот соҳасида ихтисослашган агентликлар (шу жумладан, “Bloomberg”, “Reuters”);

банк бозори ва қимматли қоғозлар бозорлари бўйича таҳлилчилар (“Sellside”, “Buyside”);

бошқа банклар менежменти;

банк бозорининг мустақил экспертлари;

банк бозори регуляторлари;

қимматли қоғозлар бозори ташкилотчилари (биржалар, депозитарийлар, клиринг ташкилотлари, регистраторлар) ва воситачилар (брокерлар);

IR/PR консультантлар.

Коммуникация стратегияси – бу Банк стратегияси, бизнес ва молиявий фаолияти натижалари, кўрсаткичлар динамикаси, тахминлари, ривожланиш истиқболларига нисбатан Банк топ-менежментининг ягона ишлаб чиқилган ёндашуви ҳамда муайян хабарнома ва унинг етказиш каналини ошқор қилиш муддатлари тўғрисидаги қарор.

Мажоритар акциядорлар – Банк акцияларининг назорат пакети (камида 50 фоиз плюс битта акция)га эга акциядорлар. Бундай акциядор(лар) Банк бошқарувини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шахсга доир маълумотлар – бошқа жисмоний ёки юридик шахс(лар)га тақдим этиладиган жисмоний шахс (шахсга доир маълумотлар субъекти)га бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган ҳар қандай маълумотлар.

“One voice” коммуникацияси – Банк стратегияси, бизнес ва молиявий фаолияти натижаларига, кўрсаткичлар динамикаси, тахминлари, ривожланиш истиқболларига доир ягона позициянинг етказилиши.

Манфаатдор шахслар (стейкхолдерлар) - Стейкхолдер (инглиз тилидаги “Stakeholder” сўзидан), шунингдек манфаатдор тараф, алоқадор томон, ишлар иштирокчиси, лойиҳадаги роли - тизимга ёки уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ва кутилаётган натижаларга эришилишини таъминловчи хусусиятларга нисбатан ҳуқуқ, улуш, талаб ёки манфаатларга эга бўлган шахс ёки ташкилот.

ХМИ ИМ – Халқаро молия институтлари ва банклар билан ишлаш департаментининг инвесторлар билан мулоқот ва банк протоколи бошқармаси

III. Маълумотларни ошкор қилишнинг мақсад ва тамойиллари

4. Маълумотларни ошкор қилишнинг мақсади бу қонунчилик ва Банк Уставининг акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларга (кейинги матнда – “манфаатдор шахслар”) уларни оқилона қарорлар қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур ҳажмда тақдим этиш масалаларига оид талабларига риоя этиш.

5. Банк қуйидаги тамойиллар асосида маълумотларни ошкор этади:

қонунийлик;

ҳаққонийлик;

оммабоплилик;

тезкорлик;

тенг ҳуқуқлилик;

ҳимояланганлик;

тўлиқлик;

мунтазамлилик;

Банк фаолиятининг шаффофлиги ва унинг тижорат манфаатлари ўртасидаги муносиблик.

Ҳаққонийлик тамойили – маълумотда номувофиқлик ва хатоларнинг мавжуд эмаслиги ва Банк молиявий-хўжалик фаолиятини ҳаққоний акс этаётганлигида намоён бўлади.

Оммабоплилик тамойили – Банк томонидан манфаатдор шахсларнинг ошкор этилаётган маълумотлардан эркин, тўсиқсиз ва тенг равишда фойдаланиш имкониятини таъминловчи ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни тарқатиш каналлари ва усуллари қўллаиди.

Тезкорлик тамойили – Банк манфаатдор шахсларни Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ҳамда уларнинг манфаатларига алоқадор салмоқли воқеа ва фактлар ҳақида қисқа муддатларда хабардор қилишини назарда тутади.

Тенг ҳуқуқлилик тамойили – Банк барча манфаатдор шахсларга Банк фаолияти ҳақидаги маълумотларни олишда тенг ҳуқуқларни таъминлайди.

Ҳимояланганлик тамойили – тижорат ёки бошқа сирдан иборат ёки махфий ахборот ҳисобланган, маълумотларни ҳимоя қилишнинг қонун билан рухсат этилган усул ва воситаларини кўзда тутади.

Тўлиқлик тамойили – Банк томонидан барча манфаатдор шахсларга ҳақиқий бўлган ва шу билан бирга ўзи ҳақидаги салбий маълумотларни ошкор қилишдан қочмасдан, Банк ва унинг фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ таассуротни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда ахборотнинг тақдим этилишини

билдиради.

Мунтазамлилик тамойили – Банк томонидан мунтазам равишда манфаатдор шахсларга Банк ҳақидаги маълумотларни тақдим этишга қаратилган.

Мутаносиблик тамойили – Банк фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасидаги оқилона мутаносибликка риоя этишни назарда тутди. Бунда қатъий шартлар махфий ахборотларни ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилик ва Банк ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдер маълумотларини тарқатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишдан иборат.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Банк учун тижорат жиҳатидан таъсирчан маълумотларни ҳамда ўз мижозлари, ходимлари ёки бошқа учинчи тарафлар тўғрисида молиявий, иш фаолияти билан боғлиқ ва бошқа ёпиқ маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилмаслик ҳуқуқига эга. Тарафлар Банка батафсил маълумотларни Банк томонидан уларнинг махфийлиги таъминланишидан амин бўлган ҳолда тақдим қиладилар. Бундай маълумотларнинг ошкор қилиниши эса тарафларнинг Банка бу борадаги асосли ишончларига зид келади. Юқорида кўрсатилган маълумотлар Банкнинг махфий маълумотлари ҳисобланади ва улар қуйидагилардан иборат:

а) **Тижорат сири**. Ошкор этилиши Банкнинг молиявий ва мавқеига доир йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг тижорат сири тўғрисида”ги Низомига мувофиқ маълумот эгаси бўлган Банк раҳбариятининг қарори билан тарқатилиши чекланган маълумотлар.

б) **Банк сири**. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида банк сирини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Низом талабларига кўра махфий деб эътироф этилган ва ошкор этилганда молиявий ва/ёки бошқа зарар етказилиш эҳтимоли мавжуд бўлган маълумотлар.

Банк сирини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳамда ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида банк сирини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш Банкада Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юклатилган.

в) **“Хизматда фойдаланиш учун”** грифли маълумотлар. “ХФУ” грифи билан белгиланган маълумотлар Банк ва унинг филиалларида муайян ходимлар тоифаси томонидан фойдаланилади ва у билан ишлаш тартиби ““Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича Йўриқнома” билан белгиланган (рўйхат рақами: 297, 2019 йил 7 январь).

г) **Шахсга доир маълумотлар**. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ махфий деб эътироф этилган. Банк шахсга доир маълумотлар яхлитлиги ва сақланишини, уларнинг махфийлигига

риоя этилишини ва шахсга доир маълумотларга ноқонуний ишлов берилишининг олдини олишни таъминловчи шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларини кўриши шарт.

IV. Банк номидан маълумотларни ошкор этиш ваколатига эга бўлган шахслар

7. Манфаатдор шахслар (инвесторлар, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, давлат органлари)га маълумотларни ошкор этиш ҳуқуқи Банкнинг қуйидаги мансабдор шахслари (кейинги матнда – “ваколатли шахслар”)га берилган:

Бошқарув Раиси;

Банкда маълумотларни ошкор этиш масалалари бўйича масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари;

Корпоратив маслаҳатчи;

Банк Кенгаши Раиси;

Банк Ахборот хизматининг раҳбари;

Маркетинг департаментининг раҳбари.

8. Ягона ва келишилган ахборот сиёсатини юритиш мақсадида истисно ҳолатларда ваколатли шахслар Банк номидан расмий шарҳларни беришни Банкнинг бошқа ходимларига топшириш ҳуқуқига эга. Банкнинг ваколатли шахслари бўлмаган шахслар Банк фаолиятига доир расмий шарҳларни ваколатли шахснинг махсус фармойишини олмасдан тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

9. Банк ходимларининг Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва (ёки) унинг қимматли қоғозлар нархига таъсир қилиши мумкин бўлган барча оммавий чиқишлари ваколатли шахслар билан келишилган бўлиши зарур.

10. Банкнинг бирор-бир ходими ўз лавозимига оид ёки бошқа вазифаларини амалга ошириши доирасида ҳар қандай тadbирда иштирок этаётган бўлса, бундай ходим Банк ҳақидаги маълумотларни Банкнинг Ахборот сиёсатига мувофиқ ҳолда ва ваколатли шахснинг дастлабки рухсатини олгандан сўнг тақдим этиши зарур.

V. Банк ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш қоидалари

11. Банк Кенгаши Банкнинг Ахборот сиёсатини мунтазам равишда қайта кўриб чиқади ва доимий равишда такомиллаштиради.

12. Маълумотларни ошкор этиш ваколатига эга шахслар маълумот ва ҳисоботларнинг тегишли давлат органларига ўз вақтида тақдим этилишини ташкил этиш, бундай маълумотлар ҳолати ва ҳаққонийлиги, шунингдек, Банк фаолияти ҳақидаги маълумотларни акциядорлар, бошқа манфаатдор шахслар ва оммавий ахборот воситаларига тақдим этиш учун масъулдирлар.

13. Банкнинг ваколатли шахслари (ўз йўналишлари бўйича) Бошқарув Раиси билан келишилган ҳолда:

Банкнинг қимматли қоғозлар эмиссияси проспеклари ҳамда чораклик ва йиллик ҳисоботларида акс эттирилган маълумотлар ҳамда Банк фаолиятидаги

салмоқли фактлар ҳақидаги ахборотларнинг Банк томонидан ўз вақтида ошкор этилишини амалга оширади;

сақланилиши шарт бўлган Банк ҳужжатларининг сақланишини, улардан фойдаланиш имкониятини ҳамда уларнинг нусхалари манфаатдор шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Банк ошкор этилаётган маълумотларнинг манфаатдор шахслар учун имкон қадар максимал даражадаги оммабоплилигини таъминлашга ҳаракат қилади.

14. Бошқарув Раиси ва ваколатли шахслар ошкор этилиши зарур бўлиши мумкин бўлган Банк фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга қуйидаги мақсадларда эга бўлишлари шарт:

тегишли маълумотларнинг ҳақиқатан ҳам ошкор этилиши зарурлигини, уларнинг муҳимлик даражасини, ҳозирги даврда ошкор қилиниши мумкинлиги ёки махфийликни давом эттириш зарурлигини аниқлаш имконини яратиш;

инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган Банкнинг жорий фаолиятига доир барча жиҳатларни билиш;

муайян воқеалар, улар мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг юз бераётганлигини инкор этиш ҳолатларининг олдини олиш.

Банк Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари, “Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган), “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш” Қоидалари (рўйхат рақами: 2383, 2012 йил 31 июль), “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги” Низом (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳажм, муддат ва усулларда ошкор этилиши керак бўлган маълумотларни тайёрлайди ва ошкор этади.

15. Қонун доирасида ошкор этиладиган маълумотлардан ташқари Банк қуйидаги маълумотларни тайёрлайди ва ошкор этади:

Банк фаолияти мақсадлари ҳақидаги салмоқли маълумотлар;

Банкнинг ташкилий ва бошқарув тузилмаси;

Банк мажоритар акцияларининг эгалари ҳақидаги маълумотлар;

овоз бериш ҳуқуқини тақсимлаш ва манфаатдор шахслар билан тузилган битимлар ҳақидаги маълумотлар;

Банк фаолиятининг узоқ муддатли натижаларини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар;

Банкнинг таваккалчиликка мойиллик ва таваккалчиликларни бошқариш стратегиясига доир асосий меъёрлар (махфий маълумотлар бундан мустасно).

16. Банк ошкор қилинадиган маълумотлар тоифасига қараб қуйидаги

маълумотларни ошкор этиш усуллари кўллади:

ягона корпоратив маълумотлар портали (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти)да маълумотларни эълон қилиш;

маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

маълумотларни фонд биржасининг веб-сайтида эълон қилиш;

маълумотларни Банкнинг веб-сайтида эълон қилиш;

акциядорлар, инвесторлар, таҳлилчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа манфаатдор шахслар билан матбуот анжуманлари, брифинглар ва учрашувлар ўтказиш;

маълумотларни Банк акциядорларига тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Банк Устави ва ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда Банк акциядорларига уларнинг талабларига кўра маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланиш имконини бериш ҳамда уларга ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Банк Устави ва ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулларда.

17. Банк ўзининг веб-сайтида энг аҳамиятли хабарлар ва материалларни эълон қилади, жумладан:

Устав, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

йиллик ҳисоботлар, йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар;

қимматли қоғозлар эмиссиялари проспектлари;

аудиторлик хулосалари;

Банк фаолиятидаги салмоқли фактлар ҳақида хабарлар;

Акциядорларнинг Умумий йиғилишларини ўтказиш ва Банк Кенгашининг муҳим қарорлари, Банкнинг ривожланиш стратегиясига доир маълумотлар;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбуриятларини қабул қилганлик ва унга риоя қилиш ҳақидаги маълумотлар;

Банк ижроия органи ва Корпоратив бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари;

Таклиф этилаётган соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдори, уларнинг Банкда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолашга доир асослаш ҳамда зарурат бўлганда, соф фойданинг муайян қисмини Банк ривож учун эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк Устави ва ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар.

18. Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар шартлари ҳақидаги маълумотга эга бўлим “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) талабларига мувофиқ бир вақтнинг ўзида унинг бош саҳифасида интерактив ҳаволалар билан биргаликда

киритилиши зарур.

19. Қуйидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши лозим:

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома;

Банк жойлашуви (почта манзили) ва электрон почта манзилининг ўзгариши ҳақидаги хабарнома;

афзаллик ҳуқуқига эга Банк акциядорларига акциялар ёки акцияларга конвертация қилинадиган эмиссион қимматли қоғозларни сотиб олишни таклиф этиш;

Банк томонидан акциялар сотиб олиниши ҳақида маълумот;

Банк тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан ўз талабларини арз қилиш тартиби ва муддатлари ҳақида маълумотлар.

VI. Ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар, “IR” маълумотлар

20. Банкнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотларга “Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган) ва “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги” (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) Низомларда белгиланган маълумотлар киради.

21. Қимматли қоғозлар бозорида маълумотларни ошкор қилиш очик ва ошкора бўлиши зарур, махфий маълумотлар бундан мустасно. Ошкор этилиши керак бўлган маълумотлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни ва “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш” Қоидаларида (рўйхат рақами: 2383, 2012 йил 31 июль) белгиланган.

22. Ошкор этилиши лозим бўлган “IR” маълумотларга қуйидагилар киради:

Халқаро молиявий ҳисоб стандартлари (ХМҲС) ва миллий стандартлар бўйича чоп этилмаган ҳисоботлар маълумотлари, унинг асосида таҳлилий материаллар ва мулоҳазалар;

ички ҳисоботлар маълумотлари (“Management reporting”), таҳлилий материаллар ва улар асосидаги мулоҳазалар;

Банкнинг молиявий ҳолати ҳақида маълумотлар (рентабеллиги, маржиналлиги, ресурслар қиймати, капиталнинг етарлилиги, операцион самарадорлиги, активлар сифати ва ҳ.к.);

ўтган ва келгуси даврлар учун тахминлар, бюджет кўрсаткичлар, чоп этилмаган бизнес-режа кўрсаткичлари;

активлар билан амалга оширилиши режалаштирилаётган битимлар ҳақида маълумотлар, молиялаштиришни жалб қилиш бўйича, капиталдаги бўлғуси ўзгаришлар ҳақида (акциядорлар, хажми, инструментлари);

Банкнинг чоп этилмаган стратегияси;
Банк ва унинг бўлинмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари (KPI);
ўтган ва келгуси даврлар учун бюджет кўрсаткичлари;
рейтинг агентликларининг чоп этилмаган рейтинг ҳисоботларидан маълумотлар;

тахмин қилинаётган таваккалчиликнинг салмоқли омиллари ва уларни амалга ошириш оқибатларини баҳолаш;

Банкнинг кредит сиёсати, риск-аппетит;

Банкнинг молиявий ҳолати, фаолиятининг натижалари тўғрисидаги оммабоп маълумотлар талқини;

Банкнинг ташкилий тузилмаси ва топ-менежмент таркибида режалаштирилаётган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар;

Банкнинг кредит таваккалчилигини баҳолашга ва унинг қимматли қоғозлари қийматига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

23. Молиявий ҳамжамият – бу Банкнинг қарздорлик инструментларига жорий ва салоҳиятли инвесторлар (Банк томонидан чиқарилган облигациялар, еврооблигациялар, акциялар, бошқа ҳар қандай инструментлар):

институционал инвесторлар – банклар, қимматли қоғозларга инвестиция киритаётган фондлар, халқаро ва умуммиллий ривожланиш институтлари, бошқарувчи компаниялар, инвестицион компаниялар; хусусий инвесторлар;

Банкнинг молиявий институтлари-кредиторлари;

пул, валюта, муддатли бозорлардаги контрагентлар;

РЕПО амалиётлари бўйича контрагентлар;

рейтинг агентликлари;

ахборот соҳасида ихтисослашган агентликлар (шу жумладан, “Bloomberg”, “Reuters”);

банк бозори ва қимматли қоғозлар бозорлари бўйича таҳлилчилар (“Sellside”, “Buyside”);

бошқа банклар менежменти;

банк бозорининг мустақил экспертлари;

банк бозори регуляторлари;

қимматли қоғозлар бозори ташкилотчилари (биржалар, депозитарийлар, клиринг ташкилотлари, регистраторлар) ва воситачилар (брокерлар);

IR/PR консультантлар.

24. “IR” маълумотлар коммуникацияси мақсадлари:

инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонлар (кейинги ўринларда – Стейкхолдер)ларнинг Банк ҳақидаги сифатли “IR” маълумотлардан тенглик асосида, ўз вақтида, сезиларли ҳаражатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

Банк тўғрисидаги чиқувчи маълумотларнинг юқори сифатини таъминлаш;

“One voice” коммуникацияси тамойилининг амалга оширилишини таъминлаш;

юксак профессионаллик ва одоб-ахлоқ стандартларига жавоб берадиган Банк менежментининг молиявий ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ва мавқеини кўтариш;

Банкнинг инвестиция киритишнинг жозибадор объекти сифатида мавқеини яратиш (ишончилилик, барқарорлик, таваккалчилик ва даромадлиликнинг мақбул нисбати, барқарор ривожланиш тамойиллари интеграцияси);

25. “IR” маълумотларни ошкор қилиш тамойиллари:

Инклюзивлик — барча инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар (стейкхолдерлар)нинг маълумотларга бўлган эҳтиёжларига йўналтирилганлик;

танловсизлик — маълумотлар барча стейкхолдерлар учун бир вақтнинг ўзида ошкор этилади;

дастлабки фаоллик — муҳим маълумотларни улар молиявий ҳамжамиятга бошқа манбалардан маълум бўлгунга қадар ошкор этилиши ва талқини;

ўз вақтидалик;

мунтазамлилик — молиявий маълумотлар ошкор этилиш даврийлигини тахмин қилиш имконининг мавжудлиги;

қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар сотуви ташкилотчилари қоидалари, Банкнинг корпоратив ҳужжатларини миллий ва (лозим бўлганда) халқаро тартибга солинишига риоя этилиши;

Банк фаолиятининг шаффофлиги ва тижорат манфаатлари ўртасида мутаносибликка риоя этиш;

“One voice” коммуникациялари, Банк стратегияси, фаолиятининг натижалари, унинг молиявий кўрсаткичлари динамикаси, тахминлари, ривожланиш истиқболларига доир ягона позициянинг етказилиши;

ошкор қилинаётган маълумотларнинг юқори сифати.

26. Маълумотлар сифати мезонлари:

аниқлик — маълумот олувчига етказиш учун талаб этилиши туфайли аниқ рақамлар ва фактларда асосий диққатни сақлаш учун уларни асословчи аниқ ва тушунарли маълумотнинг мавжудлиги;

ҳаққонийлик — маълумот тўғри бўлиб, унинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини текшириш имкони мавжуд;

зиддиятсизлик — турли даврларда ва турли каналлар орқали чиқарилган маълумотларнинг бир-бирига мос келиши;

таққосланувчанлик — маълумотларни бошқа даврларда ва Банкнинг материалларида чоп этилган маълумотлар ҳамда бошқа банклар томонидан чоп этиладиган шу каби маълумотлар билан солиштириш имконияти;

тўлиқлилик — ошкор этилаётган маълумот минимал даражада бўлсада, бироқ банк кредит сифатини баҳолаш учун етарли бўлган маълумотлар мажмуини ўз ичига олади;

аҳамиятга эгалик — ошкор этилаётган маълумот Банкнинг бизнес фаолияти ҳамда кредит сифатини баҳолаш учун ҳақиқатдан ҳам аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўз ичига олиши.

27. “IR” маълумотларни етказиш каналлари:

Банкнинг веб-сайти;
Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари;
электрон почта орқали тарқатиш;
пресс-конференциялар;
конференц-қўнғироқлар;
ОАВ орқали нашр этиш;
Банк ходимларининг оммавий тадбирларда тақдимотлари, чиқишлари (анжуманлар, форумлар ва ҳ.к.);
рейтинг агентликларининг пресс-релизлари;
Банкнинг Халқаро молиявий ҳисоб стандартлари бўйича йиллик ҳисоботи;
Инвесторлар ва ХМИ ИМ - контрагентлар билан икки томонлама учрашувлар;
ОАВ орқали интервьюлар;
мижозлар билан учрашувлар.

28. “One voice” коммуникацияси механизми. “One voice” коммуникацияси механизмининг ташкил этилиши юқорида келтирилган маълумотларни ошкор этиш тамойилларини тадбиқ қилиш имкони яратади. Бундай коммуникацияда барча маълумотлар оқими аниқ ташкил этилган, шаффоф ва назорат остида бўлиши таъминланади.

Маълумотлар ахборотни ошкор этиш тамойилларига ва маълумотлар сифати мезонларига мослиги текширилиб тасдиқланади ва уларни қабул қилувчилар учун қўшимча қиймат яратади. Бу Банкка молия бозорининг юқори профессионал иштирокчиси ва инвестиция киритишнинг жозибадор объекти мавқеини ривожлантиришга, Банк ва топ-менежментнинг мавқеига доир таваккалчиликни камайитиришга ёрдам беради. “One voice” коммуникацияси механизми Банкнинг сифатли маълумотлар оқимини ташкил этишга йўналтирилган харажатларни камайитиришга ёрдам беради.

ХМИ ИМ бу Банкка кирувчи ва Банкдан чиқувчи “IR” маълумотлар оқими учун “ягона дарча” ҳамда чиқувчи маълумотлар учун ягона филътр ҳисобланади.

29. “IR” маълумотларни қўллаш ҳолатлари. “IR” маълумотларни акциядорлар, инвесторлар, инвестицион таҳлилчилар, рейтинг агентликлари таҳлилчилари, журналистлар, мижозлар, молиявий ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчиларининг контрагентларидан сўраб олиш.

Банкнинг ташқи веб-сайти (uzpsb.uz)да, “Акциядорлар ва инвесторлар” саҳифасида ҳамда Банк ходимлари томонидан тайёрланган оммабоп материалларда кирувчи сўровларни олиш учун электрон почта манзили эълон қилиниши зарур (investor@uzpsb.uz).

Банк бўлинмалари, шу жумладан, Матбуот котиби, Корпоратив маслаҳатчи, Банк Бошқаруви раиси ўринбосари, СЕО қабулхонаси ҳар қандай каналлар орқали келиб тушган барча мурожаатлар ХМИ ИМга юборилиши шарт. ХМИ ИМ амалдаги коммуникация стратегиясига мувофиқ бундай сўровга жавоб тайёрлайди,

хабарларнинг маълумотларни ошкор этиш тамойиллари ва сифати мезонларига мослигини таъминлайди.

30. Коммуникация стратегияси. ХМИ ИМ коммуникация стратегиясини Банкнинг тегишли бўлинмалари, Бошқаруви ва СЕО билан келишади. Зарурат бўлганда, коммуникация стратегиясини ишлаб чиқиш учун ХМИ ИМ Банкнинг бошқа бўлинмаларидан қўшимча маълумотларни сўраб олади. Банк бўлинмалари тақдим этилган маълумотларни Бошқарув Раисининг тегишли ўринбосари билан келишади.

Зарурат бўлганда ХМИ ИМ маълумот ошкор этилишини қимматли қоғозлар бозорида маълумотлар, инсайдерлик маълумотлари, банк сирини ошкор этишни тартибга солувчи меъёрларга мос келишини келишиш мақсадида Корпоратив маслаҳатчи, Ички назорат департаменти, Ҳазначилик департаментидан ахборотни очишга рухсат берилишини сўрайди.

ХМИ ИМ инвесторлар, инвестицион ва рейтинг таҳлилчилари, халқаро агентликлар (“Bloomberg”, “Reuters”) сўровларига бевосита жавоб қайтаради. Акциядорларнинг сўровларига бўлган жавобларни ХМИ ИМ Корпоратив маслаҳатчига юборади. Маҳаллий ОАВ сўровларига бўлган жавобни ХМИ ИМ Банкнинг Ахборот хизматига юборади.

Банк мижозларининг сўровларига бўлган жавобларни ХМИ ИМ Банкнинг тегишли бўлинмасига юборади.

31. Банк ходимлари томонидан тайёрланадиган материаллар:

пресс-релизлар, тақдимотлар, Банк веб-сайтида эълон қилиш учун бошқа материаллар;

конференциялар, форумлар, семинарлар ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш учун тақдимотлар;

мижозлар ва контрагентлар учун учрашувлар, электрон почта орқали тақдим этиш учун материаллар;

Банкнинг барча бўлинмалари “IR” маълумотга эга ва оммавий тарзда ошкор этишга мўлжалланган материалларни ХМИ ИМга келишиш учун юбориши шарт.

ХМИ ИМ олинган материалларни қуйидагиларга мослигини текширади:

маълумотлар сифати мезонлари;

ушбу Сиёсатда келтирилган маълумотларни ошкор қилиш тамойиллари;

амалдаги коммуникация стратегияси.

ХМИ ИМ олинган маълумотларни қуйидаги материалларга мослигини текширади:

йиллик ҳисоботлар;

IR пресс-релизлар;

рейтинг агентликларининг пресс-релизлари;

Халқаро молиявий ҳисоб стандартлари бўйича ҳисоботларга киритилган маълумотлар;

миллий стандартлар бўйича ҳисоботларга киритилган маълумотлар;

инвесторлик тақдимоти;
“Due Diligence” (молиявий-ҳуқуқий экспертиза) доирасида тақдим этилган маълумот;

илгари бошқа контрагентларга тақдим этилган шарҳлар;
ХМИ ИМ га маълум бўлган бошқа маълумотлар.

Текширув натижаларига кўра ХМИ ИМ материалдан фойдаланишга рухсат беради ёки уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради.

Банк веб-сайтининг “Акциядорлар ва инвесторлар” бўлимида эълон қилинган материаллар ўзгармаган ҳолда тақдим этилганда бу келишишни талаб этмайди.

VII. Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, банк ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида маълумот алмашинувининг тартиби

32. Ушбу Сиёсат билан кўзда тутилган манфаатдор шахслар мурожаатига (шу жумладан, қоғоз шаклида ёки электрон почта орқали) кўра, ваколатли шахслар бир ҳафта давомида (агар қонунчилик билан бошқа муддат белгиланган бўлмаса), электрон тарзда барча зарур маълумотларни тақдим этади.

Ҳужжатлар нусхасини тақдим этиш зарурати юзага келганда, манфаатдор шахс тўловни амалга оширади, унинг миқдори ҳужжатлар нусхаларини тайёрлашга сарф-харажатлар миқдоридан ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўлови миқдоридан ошиши мумкин эмас.

Ҳужжатлар билан танишиш ёки ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш ҳақидаги мурожаатда Банкка эркин ёзма (электрон) шаклда тайёрланиб, унда мурожаат қилувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (юримдик шахс учун – номи ва жойлашуви), унга тегишли акциялар сони ва тоифаси (тури) ва сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотлар номи кўрсатилади.

33. Банкнинг акциядорлар ва инвесторлар билан самарали ўзаро алоқалари механизмларини жорий этиш учун Банк номидан маълумотларни ошкор этишга ваколатли шахслар мунтазам равишда акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан коммуникация қилиш бўйича ўқитиб борилади.

34. Акциядорлар Банк ёки унинг хизмат, тижорат ёки қонунчилик билан ҳимоя қилинадиган сиридан иборат фаолияти ҳақидаги маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас.

VIII. Банкка маълумот тақдим этиш

35. Учинчи шахслардан дастлаб олинishi тақозо қилинган маълумотларни Банк томонидан ошкор этилиши зарур бўлган ҳолларда, Банк бундай маълумотларни ўз вақтида олиш ва доимий равишда янгилаб туриш чораларини кўради.

Банк ўз фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда сўраб олиш ҳуқуқига эга.

36. Банкнинг аффилиланган шахслари Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзолари, Бошқарув Раиси ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Банк акцияларининг 20 фоизидан

юқори миқдорига эга бўлган акциядорларига Банк учун амалга оширилиши тахмин қилинаётган битим, битимда иштирок этаётган шахслар, битимнинг предмети ва муайян шартлари ҳақидаги маълумотларни ёзма хабарнома юбориш орқали Банк номидан келишув амалга оширилишида ўзининг аффилланганлиги тўғрисида Банкни ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

37. Банк ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Банк қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш органи томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда ўзининг аффилланган шахслари рўйхатини ҳар йили чоп этиб бориши шарт.

38. Банкнинг аффилланган шахслари ўзининг аффилланганлиги ҳақида қимматли қоғозлар бозори масъул органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда, қонунчиликда назарда тутилган аффилланганлик асослари юзага келган вақтдан 3 (уч) иш кунидан кечикмаган ҳолда Банкни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

39. Агар аффилланган шахс айби билан юқорида кўрсатилган маълумотлар Банкга тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Банкка мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс етказилган зарар миқдорида Банк олдида жавобгар бўлади.

IX. Яқуний қондалар

40. Мазкур Сиёсат Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

41. Мазкур Сиёсат қабул қилиниши муносабати билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотади (рўйхат рақами: 189, 2016 йил 9 август).

42. Мазкур Сиёсат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

43. Мазкур Сиёсатнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Банк Уставига мос келмаган ҳолларда, мазкур Сиёсатга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги нормаларига риоя қилинади.

Ишлаб чиқилган:

Бошқарув Раиси Матбуот котиби-
Ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчи



Б.Бозаров

Келишилган:

Корпоратив маслаҳатчи



К.Алимов